



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 14 » июнь

№ ПК–192

Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан ўтказилган очиқ мулоқотларда билдирилган таклифларни инobatга олган ҳолда фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, шунингдек, қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг қуйидагиларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

2023 йил 1 июнь ҳолатига жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (нотурар кўчмас мулк объектлари бундан мустасно) бўйича муддатида тўланмаган қарзига ҳисобланган пеня суммалари;

2023 йил 1 июнь ҳолатига охириги 6 ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан вужудга келган қарзи, ҳамда уларга ҳисобланган пеня ва жарималар суммаси;

2023 йил 1 июнь ҳолатига хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланилган жарималар суммаси.

Белгилансинки, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг вужудга келиш муддати 2023 йил 1 июндан бошлаб янгидан ҳисобланади.

2. Солиқ қўмитаси ва Мажбурий ижро бюроси **икки ҳафта муддатда** ушбу қарорнинг 1-бандидаги солиқ қарзи, пеня ва жарималарни ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган тадбиркорлик субъектларига берилган имкониятдан фойдаланиш ва кейинги фаолиятларини йўлга қўйишда шарт-шароит яратиш чораларини кўрсин.

4. Солиқ қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 1-бандига асосан ҳисобдан чиқарилган тўловлар (солиқ қарзи, пеня ва жарималар) тўғрисида жисмоний шахсларга уяли алоқа каналлари ҳамда юридик шахсларга солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали хабарнома юборилишини таъминласин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг **2024 йил 1 июнга қадар** ер участкаларидан ҳужжатларсиз фойдаланаётган жисмоний шахсларга ер солиғининг уч карра оширилган ставкасида солиқ ҳисоблаш тартибини тўхтатиб туриш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Фермер хўжаликларига **2023 йил 1 июнь ҳолатига** шаклланган сув солиғидан қарзини **ўн икки ой** мобайнида тенг улушларда **фоизсиз** бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилсин.

Солиқ қўмитаси солиқ қарзини бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги аризаларни электрон тарзда қабул қилиб, уларнинг Солиқ кодексига белгиланган шартларсиз **беш кунгача** муддатда кўриб чиқилишини таъминласин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш (сотиб олиш (қуриш), ишга тушириш, қайта баҳолаш, тасарруф этиш) ҳамда ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни солиқ органларининг “Е-актив” ахборот тизимида ихтиёрий акс эттириш тартибининг амал қилиш муддати **2024 йил 1 апрелга қадар узайтирилсин.**

8. 2023 йил 1 июлдан 2024 йил 1 июлга қадар иссиқхонага ихтисослашган ер майдони 25 сотихдан кўп бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя қилинганда республика бюджетидан тадбиркорларга қайтариб бериш тартиби жорий этилсин:

ҳар бир беш сотих ер майдони учун ойига камида бир нафар ишчининг бандлигини таъминлаш;

ҳар бир ишчи учун ойига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадни меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш;

иссиқхонага ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари томонидан иссиқхона фаолияти бўйича олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этиши.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 14 » июня

№ ПП–192

О мерах по дальнейшему стимулированию формирования активной предпринимательской среды, недопущению излишних расходов населения при исполнении налоговых обязательств, а также созданию дополнительных рабочих мест

В целях дальнейшего стимулирования формирования активной предпринимательской среды, недопущения излишних расходов населения при исполнении налоговых обязательств, а также создания дополнительных рабочих мест с учетом предложений, выдвинутых в ходе открытых диалогов, проведенных с субъектами предпринимательства и населением:

1. Согласиться с предложением Министерства экономики и финансов и Торгово-промышленной палаты **о списании:**

сумм пени, начисленных по неоплаченной в срок задолженности по налогу на имущество физических лиц и земельному налогу с физических лиц (за исключением объектов нежилого недвижимого имущества) – по состоянию на 1 июня 2023 года;

задолженности индивидуальных предпринимателей, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность в течение последних 6 месяцев, образовавшейся по налогу на доходы физических лиц в фиксированных размерах и социальному налогу, а также начисленных по ней **сумм пени и штрафов** – по состоянию на 1 июня 2023 года;

сумм штрафов, примененных к хозяйствующим субъектам за просроченную дебиторскую задолженность по внешнеторговым операциям, – по состоянию на 1 июня 2023 года.

Определить, что срок возникновения просроченной дебиторской задолженности по внешнеторговым операциям исчисляется вновь с 1 июня 2023 года.

2. Налоговому комитету и Бюро принудительного исполнения в двухнедельный срок обеспечить прекращение судебного и исполнительного производств, связанных с взысканием налоговой задолженности, сумм пени и штрафов, в соответствии с пунктом 1 настоящего постановления.

3. Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и города Ташкента принять меры по созданию условий для использования субъектами предпринимательства возможностей, предоставленных пунктом 1 настоящего постановления, а также налаживания их последующей деятельности.

4. Налоговому комитету совместно с Министерством цифровых технологий в двухнедельный срок обеспечить отправку уведомлений о списанных платежах (налоговой задолженности, сумм пени и штрафов) в соответствии с пунктом 1 настоящего постановления на номера мобильных телефонов – физическим лицам, персональные кабинеты налогоплательщиков – юридическим лицам.

5. Согласиться с предложением Министерства экономики и финансов и Министерства юстиции о приостановлении до 1 июня 2024 года действия порядка исчисления налога по ставке земельного налога, увеличенной в три раза, физическим лицам, пользующимся земельными участками без документов.

Министерству экономики и финансов в двухмесячный срок исходя из настоящего пункта представить в Кабинет Министров проект закона «О внесении изменений и дополнений в Налоговый кодекс Республики Узбекистан».

6. Разрешить фермерским хозяйствам оплату задолженности по водному налогу, образовавшейся по состоянию на 1 июня 2023 года, в рассрочку равными долями без процентов в течение двенадцати месяцев.

Налоговому комитету обеспечить прием заявлений о предоставлении возможности оплаты налоговой задолженности в рассрочку в электронной форме, а также рассмотрение поступивших заявлений в срок до пяти дней без соблюдения условий, определенных Налоговым кодексом.

7. Продлить до 1 апреля 2024 года срок действия порядка добровольного отражения всех операций, связанных с учетом (приобретением (строительством), запуском, переоценкой, распоряжением) хозяйствующими субъектами основных средств, нематериальных активов и товарно-материальных ресурсов, а также формированием и уменьшением их уставного фонда (уставного капитала), в информационной системе налоговых органов «Е-актив».

8. Внедрить с 1 июля 2023 года до 1 июля 2024 года порядок возврата предпринимателям из республиканского бюджета налога на доходы физических лиц по доходам в форме оплаты труда своих работников, уплаченных субъектами предпринимательства, специализированными на теплицах, имеющими земельные площади более 25 соток, при одновременном соблюдении следующих условий:

каждый месяц на каждых пяти сотках земельной площади обеспечивать занятость не менее одного работника;

установить размер ежемесячного дохода в форме оплаты труда каждого работника не менее одного размера минимальной оплаты труда;

доход от профильной деятельности субъектов предпринимательства, специализирующихся на теплицах, должен составлять не менее 60 процентов общего дохода по итогам текущего отчетного (налогового) периода.

9. Возложить на министра экономики и финансов Кудбиева Ш.Д. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за исполнение настоящего постановления, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент